БИЛИШНИНГ ИККИ УСУЛИ

Д.А.Набиева

Разделение языкознания на «традиционное» (или «классическое») и «структурное» зависит от выбора типа познания. В данной статье полемизируется с Ё.Тожиевым, взгляды которого на данный вопрос были изложены в статье “Ҳозирги ўзбек тилшунослигига бир назар” (Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. № 2. С. 30-37).

The division of linguistics on "traditional" (or "classical") and "structural" depends on a choice such as knowledge. In given clause is polemized with YO.Tojiyev, which sights on the given question were stated in clause "Ҳозирги ў збек тилшунослигига бир назар " (Ў збек тили ва адабиёти, 2008. № 2. With. 30-37).

Инсон ва олам муносабати гносеологиянинг бош мавзуи саналади. Инсон ўзини қуршаб турган олам билан бирга ўзини ҳам билишга интилади. Гносеология, хусусан, эпистомиология билишнинг усуллари хилма-хил эканлигини таъкидлайди. Бунинг илдизлари Шарқ фалсафасига бориб тақалади. Жумладан, бобокалонимиз Жалолиддин Румий ҳазратлари билишда “йўллар хилма-хил, лекин мақсад битта” эканлигини баён қилган [1]. Борлиқни қандай бўлса шундайлигича ўрганишга, сохта билимдан сақланиш ва чин билимга, ҳақиқатга эришишга интилиш – ҳар қандай фаннинг бош вазифаси. Бунга эришмоқ учун барча фанлар тарихида турли усул ва воситалардан фойдаланилганлиги ойдек равшан. Бундан тилшунослик ҳам мустасно эмас. Билишнинг турли усуллари бир-бирини тақозо этиш, бирининг бағридан иккинчиси ўсиб чиқиш ва охир-оқибат, бир-бири билан ҳамкорлик қилиш хусусиятига эгадир. Шунинг учун ҳам тилшунослик тарихига эътибор берилса, тилшуносликнинг муайян босқичи кейинги босқичи учун доялик вазифасини ўтаганлиги ва бу босқичлар билиш усулларига кўра бир-биридан фарқланганлигининг гувоҳи бўламиз.

ХХ асрнинг биринчи чорагидан тилшуносликда буюк бурилиш бўлди. Тилшунослик объектини эмпирик билишдан назарий билишга ўтилди. Шу боис ҳам машҳур тилшунос Э.Бенвенист Ф.де Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси” китоби нашр этилиши билан лингвистика тарихида янги давр бошланганини таъкидлайди. Бу давр структур ёки системавий тилшунослик номи билан машҳур.

Структур тилшунослик дунё бўйича қанчалик шуҳрат топса ҳам, шўролар даврида унга буржуазия синфи мафкурасини акс эттирувчи, марксизмга ёт бўлган йўналиш сифатида баҳо берилди ва ўтган асрнинг 60-йилларигача шўролар тилшунослиги унинг таъсиридан ҳимоя қилинди. Фақат 60-йиллардан бошлаб собиқ империя ҳудудида плюралистик қарашларга йўл қўйилди. Натижада структур тилшунослик принципларидан фойдаланиш имконияти вужудга келди. Совет тилшунослигида рўй берган бу ўзгариш, табиий равишда, ўзбек тилшунослигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. С.Усмоновнинг “Умумий тилшунослик” китобида структурализм оқими ва унинг асосий принциплари ҳақида илк бор маълумот берилди.

Профессор Ш.Раҳматуллаев раҳбарлигидаги Р.Юнусов, И.Абдураҳмоновларнинг номзодлик, И.Қўчқортоевнинг докторлик диссертациялари билан ўзбек тилшунослигида структур йўналиш бошланди, дейиш мумкин. Чунки бу диссертацияларда сўзлар маъно гуруҳларига ажратилди, ҳар қайси гуруҳга мансуб бўлган сўзлар маънолари доирасида таҳлил этилди ва синтагматик муносабатга киришиш имкониятлари аниқланди.

Ҳозирги кунда ёш тилшуносларнинг бундай тадқиқот усулларидан кенг фойдаланиб, ўрганилаётган объектнинг янги-янги қирраларини очиб беришга ҳаракат қилаётганликлари таҳсинга лойиқдир.

Бир объектни хилма-хил усуллар орқали ўрганишга, уни турли нуқтаи назардан тадқиқ этишга ўтиш фанда ижобий ҳолат ҳисобланиши лозим. Чунки фан майдонида турли қарашларнинг мавжуд бўлиши ва бу қарашларни олға сурган тилшунослар ўртасида баҳс-мунозараларнинг вужудга келиши шу фаннинг ривожланиши учун туртки бўлиши табиий. Шунинг учун машҳур инглиз тилшуноси Базел фикрий оппозициялар нейтраллашган жойда “архификр” нолга тенг бўлади, деб ҳазил қилган эди.

Тилшуносликдаги хилма-хил йўналишларга муносабат билдирар экан, Р.Будагов ҳозирги тилшунослик тил системаси ва структурасини талқин этишда турли методологик концепцияларга таяниб иш кўрувчи турли хил тилшунослик йўналишлари мажмуи эканлигини айтади [2]. Шундай экан, ўзбек тилшунослигида ҳам муайян ғояга таянган ҳолда турли хил қарашларнинг олға сурилиши бугунги тилшуносликнинг камолидан нишонадир.

Профессор Ё.Тожиев мақоласининг [3] майдонга келиши ҳам тилшуносликда плюралистик қарашнинг шаклланаётганидан таъсирланиш натижасидир. Бироқ мақолада тилшуносликнинг янги йўналишларига "ўгай кўз" билан қаралгани ҳолда, унга баҳо беришда идрокдан кўра ҳиссиёт устун. Масалан, муаллиф тилшуносликнинг "анъанавий" ва "системавий" турларга ажралиши асоссиз эканлигини, "тилни тизим сифатида текшириш тилшунослик фани шакллангандан буён..." мавжудлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, тилнинг системавий табиатини ёритиш жаҳон тилшунослигида Ф.Соссюр номи билан боғланиб, структур тадқиқотлар унинг ишларидан бошланганлиги эътироф этилса-да, бундай ҳаракатларнинг илдизлари эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликка бориб тақалиши тайин. Чунки қадимги финикийлар томонидан фонографик ёзувнинг кашф қилиниши [4] — уларнинг беҳисоб нутқ товушлари интегратив белгилари асосида муайян синфларга бирлашиб товуш типларини (фонемаларни) ҳосил қилиши, товуш типлари ўртасида фарқловчи белгиларнинг мавжудлиги ва ҳар бир тип учун ёзувда муайян белги танланиши лозимлигини билганлари, фонемаларни тизим сифатида тасаввур қилаганлари ҳақида гувоҳлик беради. Бундан ташқари, Панини грамматикаси ҳам тилга система сифатида ёндашувнинг классик намунасидир [5].

Европа тилшунослигида Ф.Соссюр "Курси"нинг пайдо бўлишидан анча олдин, XVIII аср охири — XIX аср бошларида немис тилшуноси В.фон Гумбольдт биринчи бўлиб тилнинг системавий табиатига эътибор беради. Унинг фикрича, тил – бу ички ўзаро алоқадор организм. "Тилнинг характерли формаси унинг майда элементларида кўзга ташланади. Шу билан бирга, элементларнинг ҳар бири у ёки бу ҳолатдан тил орқали аниқланади". "... Тилда ҳеч нарса алоҳида мавжуд эмас. Унинг ҳар бир элементи бутуннинг қисми сифатида намоён бўлади" [6].

Н.В.Крушевский ҳам "Тил илми ҳақида очерк" асарида "сўз – нарсанинг белгиси", "тил белгилар системасидан бошқа нарса эмас". "Барча четланишларга қарамай, тил бир гармоник яхлитлик бўлиб, бу система бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлиш (статиклик) жиҳатидан ҳам, кетма-кетлик (динамиклик) жиҳатидан ҳам таҳлил қилиниши мумкин", - деб ёзган эди [6].

Кўриниб турибдики, тилшуносликни "анъанавий" (ёки классик) ва "системавий" турларга ажратиш ўзбек тилшуносларининг кашфиёти эмас, балки жаҳон тилшунослигида аллақачон эътироф этилган. Билишнинг ҳиссий ва рационал бочқичлари мавжудлиги, улардан қайси бири устуворлигига кўра эмпирик ва илмий-назарий босқичдаги фанларнинг ажратилиши ҳам бугунги кун янгилиги эмас. Бу икки тилшунослик объектни билишнинг қайси босқичи нуқтаи назаридан ўрганишига кўра фарқланиши кўпчиликка маълум.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир янги илмий йўналиш эскиси бағрида туғилади, улар ўртасида ворисийлик муносабати мавжуд бўлади. Ф.Мукушнинг бундан роса эллик йил муқаддам "тилни система сифатида ўрганиш тажрибаси ҳам қадим даврларга бориб тақалади. Лингвистикадаги ҳар қандай мактаб ёки йўналиш маълум даражада структурализм элементига эга. Лекин тилнинг типик структурасини аниқламаган ҳеч бир мактаб ёки йўналиш тўлиқ структурал ҳисобланиши мумкин эмас"[7], деган фикри юқоридаги каби даъволар учун ҳамон жавоб бўлиши табиий.

Муаллифнинг ўзбек тилининг турли сатҳлари бўйича ёзилган ишларда системавийликка амал қилинган, деган даъвосида ҳам, аслида, системавийлик элементларининг мавжудлигини кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси тадқиқот йўналишининг ўзига мос методи, тушунчалар системаси мавжуд бўлиб, бундай метод ва унинг тушунчалар системасига амал қилинмаган ишни шу тадқиқот йўналиши номи билан атаб бўлмайди. Ўзбек тилшунослигида ҳам структур метод ва унинг истилоҳлари 60-70 йиллардан кейин кириб кела бошлаган экан, ундан олдинги тадқиқотларни, гарчи системавийлик элементлари кузатилса ҳам, тўлиқ системавий деб бўлмайди.

Муаллиф “анъанавий тилшунослик” билан “систем тилшунослик”нинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари шу кунгача аниқ ажратиб берилмаган ва ажратиб бера олмайдилар ҳам, деб ҳукм чиқаради.

ХХ асрнинг позитивист файласуфи Карл Поппер билимнинг ривожланиши такрорланувчи ёки кумулятив жараён эмас, балки хатоларни бартараф қилиш – “дарвинча танлаш” жараёни эканлигини баён этади. У билимнинг ривожланиши деганда кузатишларни тўплашни эмас, такрорланувчи кучсиз илмий назарияларнинг кучли, янада мукаммал назариялар билан алмашинувини тушунади. Поппер фикрича, илмий билиш ривожи тажрибалар, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш билан амалга ошади. Маълум муаммоли вазиятда назарияни танлаш услуби фанни янада рационал қилади ва унинг тараққиётини таъминлайди (7).

Демак, билиш жараёнида назариялар бир-бирини тўлдиради, бири иккинчиси учун асос бўлади, бирида йўл қўйилган хато ва камчиликлар иккинчисида бартараф этилади. Амалий билимлар назарий билимлар учун имконият яратади.

Антик давр файласуфи Афлотун билишнинг икки босқичини ажратгани ҳолда, нарсанинг моҳияти номаълум бўлса, бу нарсани аниқлаш учун унинг айрим қисмларини, уйғунлигини, тегишли жиҳатини ва зарурийлигини тартибга солиб бўлмайди. Агар кимдир шусиз ҳам (у нарсани) аниқлаш мумкин, деб даъво қилса, янглишишини уқтиради.

У ўз “Қонунлар”ида: “Агар бирор одам ашёнинг моҳиятини билса ҳам, ўша нарсанинг яхши ва олий сифатларини ёки ёмон ва бемаъни хислатларини билмаслиги мумкин. Ашёнинг асл моҳиятини, унинг яхши ва олий сифатларини, ёмон ва бемаъни хислатларини билгандагина бу ашё ҳақида мукаммал билимга эга бўлинади.

Қонунларни, ҳамма санъатлар (ҳунарлар) ва фанларга оид билимларни ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Ҳоким шуларга яхши ё ёмон муносабатда бўлиши учун ўша соҳаларнинг моҳиятини билиши зарур. Ҳоким ҳар соҳанинг юқоридаги уч жиҳатини яхши эгаллаши, улар ҳақидаги билимини камолотга етказиши, тўғри ва ҳаққоний бошқаруви учун уларни билиши керак. Қонунни яратувчи бу уч нарсани (моҳият, сифат ва хислат) яхши билиб олган тақдирдагина, ўша қонун энг яхши қонун бўлади. Агар ўша уч жиҳатни тўғри тушунмаса, у қандай қилиб қонунлар яратиши мумкин? Бу фақат қонунларгагина эмас, балки ҳар қандай илм ва санъатга ҳам тааллуқлидир”, - деб ёзади (8).

Кўринадики, ҳиссий ва илмий билишнинг ўзаро фарқи ва алоқадорлиги, бирининг иккинчисисиз тўлиқ бўлмаслиги антик даврларданоқ маълум.

Арасту ҳам шуур орқали билинадиган ҳар бир нарса тўғрисида, сезгидан олинадиган билим даражаси ҳақида ва улардан бирини бошқасидан фарқ этувчи белгилари мавжудлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган. У субстанция ва акциденция тушунчаларини зидлаган ҳолда, биринчиси ўзгармас, барқарор, иккинчиси эса ўзгарувчан ва беқарор хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Арасту ғояларидан фойдаланган Фаробий ҳам “Ихсо ал-улум” (“Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида”) асарида шундай ёзади: “Билки, (оламда) субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган, ораз) ҳамда субстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир. Акциденцияни беш сезги ҳис этади, улар ўртасида ҳеч қандай восита йўқдир... Субстанцияни фақат ақл қабул қилади ва бунда акциденция ақл учун воситачи бўлиб хизмат қилади”.

Шундай қилиб, билишнинг дастлабки босқичида “ораз”лар ўрганилади, текширилади, таҳлил қилинади. Кейинги босқичда эса улар ўзаро солиштирилади, қиёсланади ва улар ўртасидаги муносабатлар ўрганилади. Дастлабки босқич ҳиссий билиш босқичи бўлиб, у кейинги босқич – назарий билиш босқичи учун асос бўлади. Бунда амалий билимларнинг ўзаро муносабатлари ўрганилади, умумлаштирилади. Билишнинг бу босқичига кўтарилиш ҳар қандай фаннинг бош мақсадидир.

Демак, ҳиссий билиш билан рационал билиш билишнинг икки босқичи экан, улар ўзаро билиш методологияси ва методлари билан фарқланиши аниқ ва исбот талаб қилмайдиган, антик даврларданоқ маълум бўлган ҳақиқатдир.

Шу икки босқичга таянган ҳолда, тилшуносликнинг ҳам ҳиссий билимларга асосланган “анъанавий”(амалий) ва рационал билимларга асосланган “системавий” (назарий)

йўналишлари ажратилди. Агар жаҳон тилшунослигида бу икки тилшунослик ўртасидаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни ёритиб берувчи ўнлаб асарларнинг мавжудлигидан, ҳатто ўзбек тилшунослигида ҳам худди шу муаммога бағишланган тадқиқотларнинг борлигидан муаллиф бехабар бўлса, бунга тилшунослик фани айбдор эмас.

Муаллиф “парадигматик ва синтагматик муносабат”, “мазмуний майдон” сингари истилоҳлар ва булар орқали ифодаланаётган тушунчалар ҳам анъанавий тилшуносликда мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Аслида, парадигма истилоҳи тилшунослик мероси. “Парадигма” ҳақидаги дастлабки маълумотлар Афлотун асарларида учрайди. У онгда жисмларнинг аниқ мавжуд бўлган прообразлари, идеал намуналари ҳақида маълумот беради ва демиург (Яратган) барча мавжудликларни яратгани, уларга (ўзгармас мавжудликларга) намуна сифатида қараши ҳақидаги фикрларини баён қилади (5). Демак, борлиқдаги барча ҳодисалар инсон онгида идеал образ, намуна сифатида ўринлашади.

Ф.де Соссюр ҳам лисоний бирликларни инсон хотирасида ассоциацияланишини (парадигмани ҳосил қилишини) айтади ва улар ўртасида ассоциатив ҳамда синтагматик муносабат мавжудлиги ҳақида фикр билдириб, уларни бир-бирига зидлаган ҳолда, ҳар икки муносабатни муносабатлар системасининг асоси деб ҳисоблади.

Тилшуносликда синтактика ёнига семантика қўшилиши билан парадигма ва мазмуний майдон тушунчалари фарқлана бошлади. Тўғри, Шарқ тилшунослигида мазмуний майдон асосида луғатлар тузиш анъанаси олдиндан бўлган. Лекин у илмий метод даражасига кўтарилмаган ва алоҳида йўналиш сифатида ажралмаган эди. Тилни мазмуний майдонларга бўлиб ўрганиш методи XX асрнинг маҳсули саналади. Муаллифнинг ўзбек тилида отларнинг мазмуний гуруҳидан шахс отларининг ажралишини “шахс микромайдони” сифатида эътироф этиши “мазмуний майдон” назарияси моҳиятига кириб улгурмаганидан, майдон билан лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ) ўртасидаги фарқни англаб етмаганидан гувоҳлик беради.

Шу билан биргаликда, ўзбек тили изчил грамматикасининг шаклланиш даври ҳисобланувчи ўтган асрнинг 40-йилларда яратилган асарлар ўзбек тилшунослиги тарихининг “олтин фонди” ҳисобланса ҳам, уларни ҳозирги кун даражаси билан эмас, 40-йиллар тилшунослик назарияси мезони билан ўлчаш, қийматини ўша давр ҳолати билан белгилаш объективроқ бўлади. Бунинг учун уларга бугунги тилшунослик назарияси юксаклигидан қарай олиш талаб этиладики, муаллиф шу муҳим шартни эътибордан соқит қилади.

Ҳозирги кунда анъанавий ва структур тилшуносликни билишнинг икки усулига таянган ўзаро боғлиқ икки йўналиш сифатида эътироф этувчи ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигидан фойдаланишга ундовчи бир қанча асарлар майдонга келдики, биз ёш тадқиқотчилар диққатини ана шундай ҳамкорликка жалб қилишимиз, уларга ҳиссий билимларсиз рационал билимнинг мавжуд бўлмаслиги, ҳар қандай рационал билим ҳиссий билимларга таянган ҳолда вужудга келиши, анъанавий ва структур тилшунослик методларидан мақсадга қараб эркин фойдаланиш лозимлигини уқтиришимиз керак.

Адабиётлар:

1.Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи жилд, биринчи китоб.- Т.: Шарқ, 1999
2.Будагов Р. Система и антисистема. Сходство и несходство между родственными языками.- М., 1985
3.Тожиев Ё. Ҳозирги ўзбек тилшунослигига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2008.- 2-сон.- Б.30-37
4.Дирингер Д. Алфавит. –М.: Иностранная литература,1963; Гельб И.Е. Опыт изучения письма.–М.: Радуга, 1982; Возникновение и развитие письма.–М.:Наука, 1965
5.Философский энциклопедический словарь.–М.: Советская энциклопедия, 1989
6.Кондрашов Н.А. История лингвистических учений.– М.: Просвещение, 1979
7.Шермуҳамедов Н. Фалсафа ва фан методологияси.– Т., 2005
8.Абу наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри.–Т.: Халқ мероси, 1993

Андижон Давлат университети,
2009 йил 23 мартда қабул қилинган